

ЖУМА МАВЪИЗАСИ
“04” Май, 2018 м.

Усмонхон АЛИМОВ
“18” Шаъбон, 1439 х.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ОМОНАТГА ХИЁНАТ ҚИЛМАЙЛИК!

Муҳтарам жамоат! Мусулмон кишида топилиши лозим бўлган гўзал хулқлардан бири омонатдорлик ва аҳдга вафо қилишдир. Ҳар бир имонли шахс ўзгалар билан бирор ишда аҳдлашган бўлса, аҳдига вафо қилиши ва ваъдасининг устидан чиқиши ҳамда омонатини адо этиши лозим бўлади. Инсонларнинг омонатлари хоҳ мол-мулк, хоҳ бошқа нарса бўлсин, унга риоя қилиш мўъминлик бурчи ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг кўплаб оятларида омонатни ўз эгасига саломат етказишга амр қилган:

فَإِنْ مِنْكُمْ بَعْضٌ بِبَعْضٍ فَلَئُوذُ الَّذِي أُوتِئْتُمْ بِأَمَانَتِهِ وَلِيْتَقِ اللَّهَ رَبَّهُ

яъни: “... Агар бир-бирингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатни қайтарсин ва Рабби бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин...!” (Бақара, 283).

Яна бошқа бир оятда эса шундай марҳамат қилган:

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا وَإِذَا حَكَمْتُمْ بَيْنَ النَّاسِ أَنْ تَحْكُمُوا بِالْعَدْلِ إِنَّ اللَّهَ نِعِمَّا يَعِظُكُمْ بِهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ سَمِيعًا بَصِيرًا

яъни: “Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зотдир” (Нисо сураси, 58-оят).

Суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига барча ишларда ўрнатилган бўлганларидек, омонат бобида ҳам катта намуна ва ўрнатилганлар. Омонатни яхши сақлаб, ўз эгасига саломат топшириш хусусида Жаноб Пайғамбаримиз ёшликларидан бошлаб барчанинг эътиборини қозонганлар. Ул зоти шариф ростгўйликлари, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилмасликлари, ваъдаларига вафодорликлари туфайли “ал-Амин” яъни, “омонатдор, ишончли одам” деган сифатни олганлар. У зот кўплаб ҳадиси шарифларида омонатдорликка даъват этганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ " أَدِّ الْأَمَانَةَ إِلَيَّ مِنْ آتَمَّتْكَ وَلَا تَخُنْ

مَنْ خَانَكَ " (رواه أبو داود والترمذی)

яъни: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Омонат берган кишига омонатини қайтаринг. Сизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг”** (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоят қилишган).

Авалло, ҳар бир инсон Ҳақ таоло ва Пайғамбари олдидаги омонат, иккинчидан, барча инсонлар олдидаги омонатларга риоя қилиши даркор.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломида шундай марҳамат қилган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمَانَاتِكُمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга ва Расулга хиёнат қилмангиз ва (бир-бирингиздаги қўйган) омонатларингизга (ҳам) билиб туриб хиёнат қилмангиз!” (Анфол сураси, 27-оят).

Омонатдорликни фақат вақтинча сақлаб бериш учун бировнинг моддий нарсасини эҳтиёт қилиш, деб тушуниб қолинмаслик керак. Бу омонатдорликнинг энг содда кўриниши холос. Аслида, шариатимиз томонидан буюрилган омонатдорликнинг кўплаб кўринишлари бор. Мазкур ояти каримада икки хил омонатга урғу берилмоқда:

Биринчиси- Аллоҳ таолонинг бандаси зиммасидаги омонати. Бунга Ҳақ таолонинг ўз бандаларига буюрган намоз, рўза, закот, қодир бўлса, ҳаж каби буюк омонатлари киради. Уларни ўз вақтида ва шариатимизда буюрилганидек адо этилиши омонатдорликнинг бир кўринишидир.

Иккинчиси- банданинг банда олдидаги омонатидир. Бунга кишининг ўзи билан аҳлу аёли, қавму қариндошлари ва барча инсонлар олдидаги ҳақлари тушунилади. Киши ўз оиласи шаънини ҳимоя қилиши, олди-сотди муомалаларида харидорни алдамаслик, келишилган ваъдаларни ўз вақтида адо этиш, бировдан эшитилган сирни сақлай олиш, касб-корда эса ҳар бир инсон ўз зиммасидаги вазифасини сидқи дилдан бажариши ҳам омонатдорлик ҳисобланади.

Қуръони каримнинг бир неча ўринларида мўминларнинг гўзал хислатлари айтилганда, омонатдорлик ҳам мақталган. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтадики:

وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمَانَاتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ

яъни: “Улар (мўминлар) омонатларига ва (ўзаро боғлаган) аҳд-паймонларига риоя этувчидирлар” (Муъминун сураси, 8-оят).

Кейинги пайтларда олинган қарзларни ўз вақтида эгасига бермаслик касаллиги авж олмақда. Олинган қарзни ўз вақтида беришга имконияти бўла туриб, бермасдан чўзиб юриш омонатга хиёнат ва оғир гуноҳ ҳисобланади. Шу билан бирга, қарзини узишга етадиган моли бўла туриб, уни эгасига бермай вақтини ўтказиб юриш зулмдир.

Динимизда омонатдорликка тарғиб қилиниши баробарида, унга хиёнат қилишлик мўминнинг хислатларидан эмаслиги таъкидланади. Омонатга хиёнат – мунофиқларнинг хислати сифатида зикр қилинади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : "أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا

وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنَ النَّفَاقِ حَتَّى يَدْعَهَا إِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ وَإِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا

عَاهَدَ غَدَرَ وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ " (رواه البخاري ومسلم)

яъни: Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Кимдаки тўртта нарса бўлса ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимдаки улардан бир хислат бўлса, ўшани кетказмагунча унда мунофиқликдан бир хислат бўлади – омонат қилинса,*

хиёнат қилади; сўзласа, ёлгон гапиради; аҳд қилса, бузади; хусуматлашиб қолса, фужур (ноҳақлик, гирромлик) қилади". (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Омонатдорлик борасидаги динимиз кўрсатмаларига амал қилинса, жамиятдаги ўзаро ишонч, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ортади. Эл-юртнинг қут-баракаси ва файзи зиёда бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир имонли ва чин эътиқодли киши масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, турли салбий сифатлардан сақланиб боришга ва зиммамиздаги омонатларни ўз вақтида адо этишга жиддий ҳаракат қилишимиз, лозим бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни омонатдор шахслардан бўлишимизни насиб айласин! Омин.

ИЛОВА

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ – ИНСОНИЙ БУРЧ

Муҳтарам жамоат! Юртимизда анъанавий нишонлаб қарши олинадиган, алоҳида эътибор қаратилган кунлардан бири **“Хотира ва қадрлаш куни”**дир. Бу кунда биз ўтмишда ўтган ажодларимиз, хусусан, Ватан озодлиги ва халқимизнинг фаровонлиги йўлида жонларини фидо қилиб, бугунги кунда оламдан ўтиб кетган барча фидойи юртдошларимизни ёдга олиб, руҳларига Қуръон тиловат қилиб, дуои хайрлар қиламиз. Тирикларини эса қадрларига етиб, насиҳат ва дуоларини олиб, хизматларини қилишга ҳаракат қиламиз. Биз ўтганларни махсус бир кунда эмас, балки ҳар доим эслаб, ҳақларига дуода бўлишимиз бизларнинг вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай марҳамат қилдилар:

عن ابن عمر رضي الله عنهما أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: **اذْكُرُوا مَحَاسِنَ مَوْتَاكُمْ وَكُفُّوا عَنْ مَسَاوِيهِمْ**. (رواه الإمام أبو داود والإمام الترمذي)

яъни: Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ўтганларингизнинг яхши сифатларини эсланглар, уларнинг ёмон сифатларини айтишдан сақланглар”, дедилар**”.(Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоятлари).

Динимизда ўтганларни эшлаш, уларга дуойи-хайрлар қилиш ибодат ҳисобланади. Ҳаёт юрган кишилар ибодатда бўлиб, солиҳ амаллар қилишса, уларнинг вафот этган яқинлари хурсанд бўлишади. Бу ҳақида ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه يَقُولُ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ أَعْمَالَكُمْ تُعْرَضُ عَلَيَّ أَقَابِكُمْ وَعَشَائِرِكُمْ مِنَ الْأَمْوَاتِ فَإِنْ كَانَ خَيْرًا اسْتَبَشَرُوا بِهِ وَإِنْ كَانَ غَيْرَ ذَلِكَ قَالُوا اللَّهُمَّ لَا تُمِتَّهُمْ حَتَّى تَهْدِيَهُمْ كَمَا هَدَيْتَنَا. (رواه الإمام أحمد)

яъни: Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда қуйидагича келган: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Албатта амалларингиз ўтиб кетган яқинларингиз ва қариндошларингизга намойиш қилиб турилади. Агар (амалларингиз) яхши бўлса, улар ундан хурсанд бўлишади. Агар ундан бошқача бўлса, улар: “Аллоҳим, бизни ҳидоят**

қилганинг каби, уларни ҳам ҳидоят қилмасдан жонларини олмагин”, дейишади”, дедилар (Имом Аҳмад ривоят қилган).

Демак, биздан ўтиб кетган яқинларимиз Аллоҳнинг хузурида хурсанд ва юзлари ёруғ бўлиши учун биз ибодатли, солиҳ амалларда бўлишимиз ўта аҳамият касб этар экан. Зинҳор ва зинҳор уларни Аллоҳнинг хузурида хижолатга қўймайлик!

Мухтарам жамоат! Давлатимиз доим уруш қатнашчилари, кекса ёшдаги отахонларимиз, онахонларимиз ва барча нафақахўрларга катта диққат-эътибор билан ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳукуматимиз уларнинг моддий фаровонликларини янада яхшилаш, уларни рағбатлантириш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилдики, бу нарса барчани чин дилдан хурсанд этди. Яқинда мухтарам Юртбошимиз томонларидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 5 000 000 (беш миллион) сўм миқдорида пул мукофоти берилиши тўғрисидаги фармон имзоланди.

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ مِنْ إِجْلَالِ

اللَّهِ إِكْرَامَ ذِي الشَّيْبَةِ الْمُسْلِمِ" ... (رَوَاهُ الْإِمَامُ أَبُو دَاوُدَ)

яъни: Абу Мусо ашъарий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **“Соч-соқоли оқарган мусулмонни... хурмат қилиш Аллоҳни улуғлашдандир”**, дедилар”. (Имом Абу Довуд ривояти).

Аллоҳ таоло барча марҳум аجدодларимизни Ўзининг раҳматига олиб, уларнинг ҳақларига қилаётган дуоларимизни ижобат қилиб, қолганларга фаровон ҳаёт, тинчлик ва офият ато этишини сўраб қоламиз! Омин, ё Роббал оламин.